

«Ҳилол» нашриётининг Самарқанддаги янги дўконида очилиш маросими ўтказилди



16:00 / 04.11.2020 1595

Аввал хабар қилганимиздек Самарқанд вилоятидаги филиалимиз янги манзилда ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Дўконимизнинг расмий очилиш маросими бугун ўтказилди.







Тадбирга фахрий имом ва Самарқандаги «Имом Бухорий» жоме масжиди ноиб имоми Маҳмуджон домла ташриф буюрдилар. Шунингдек, «Grand Ta'lim» ўқув маркази раҳбари Музаффар Саттиев ҳам тадбирда иштирок этдилар. Маросим сўнгида қилинаётган ишлар бардавом ва хайрли бўлишидан, халқимиз учун манфаатли бўлишидан умид қилиб хатми Қуръон бахшида қилинди.







Аллоҳ таоло бошлаган ишимиз давомий бўлишини, илм-маърифат тарқатувчи масканлар бундан ҳам кўп бўлишини, ушбу янги дўконимиз Ватанимиз, миллатимиз, динимиз ривож учун муносиб ҳисса қўшишини насиб қилсин!





Манзил: Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шоҳизинда кўчаси 200 Б - уй

Мўлжал: Самарқанд банк коллежи ва musiқа мактаби оралиғида

Телефон: +998915224499